



кўрган эди, отаси уни бировга никоҳлаб берди. У бу никоҳни ёқтирмасдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига шикоят қилиб борди. Шунда у зот унинг никоҳини рад қилдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Уйланмоқчи бўлган кишига розилик бериш ёки рад қилиш қиз-жувоннинг Аллоҳ берган ҳаққидир. Валийси уни мажбуран узатиши жоиз эмас, бунинг оқибати зарарли бўлиши мумкин. Валийси қиз билан маслаҳатлашиши, розилигини олиши лозим. Қиз бола розилигини изҳор қилишга уялиши мумкин, шунинг учун сукути ризо аломати деб қабул қилинади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Қиз-жувонни турмушга узатишда унинг райини олиш зарур;
2. Қиз боланинг сукути изни ўрнига ўтади;
3. Никоҳ дуруст бўлиши учун аёлнинг розилиги шарт.